


6-20-2019

THE RESULTS OF THE CORPUS ANALYSIS AS A QUANTITATIVE REPRESENTATION OF LINGUOCULTURAL CONCEPTS

Nozimjon Ataboyev PhD student
UzSWLU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Ataboyev, Nozimjon PhD student (2019) "THE RESULTS OF THE CORPUS ANALYSIS AS A QUANTITATIVE REPRESENTATION OF LINGUOCULTURAL CONCEPTS," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 24.
DOI: 10.36078/987654350
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss2/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Нозимжон Атабоев

Таянч докторант, ЎзДЖТУ

КОРПУС ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИ ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ КУАНТИТАТИВ ИФОДАСИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги куннинг энг илғор ва янги изланиш методологиясини тақлиф этаётган корпус лингвистикаси ва лингвокультурология соҳаларининг ўзаро алоқаси таҳлил этилган. Лисоний корпуслар концепт фреймини яратиш жараёнида маданий бирликларни сақловчи манба сифатида қаралади. Инглиз тилининг замонавий корпуслари – “COCA” ва “BNC”дан фойдаланган ҳолда қиёсий таҳлил натижалари умумлаштирилган. Бунда миллий лисоний корпуслардан тил соҳиблари нутқида учрайдиган “оила” концептига доир лингвистик бирликлар асосида конкорданс тизимида турли услубда кидирув амалга оширилган, кидирув натижаларининг эмпирик таҳлиliga таянган ҳолда якуний хулосалар чиқарилган. Шунингдек, инглиз тилида “оила” сўзи билан бирикиб келиши мумкин бўлган сифат сўз туркумига кирувчи энг кўп учрайдиган сўзлар таркибидан уч юзтаси ажратиб олинган. Уларни макроконтекстда кўриш орқали қандай маъно ифодалаш таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: корпус лингвистикаси, корпус, концепт, лингвокультурология, миллий корпус, “BNC”, “COCA”.

Nozimjon Ataboyev

PhD student, UzSWLU

THE RESULTS OF THE CORPUS ANALYSIS AS A QUANTITATIVE REPRESENTATION OF LINGUOCULTURAL CONCEPTS

ABSTRACT

The article deals with the relationship between the newly emerged and fast developing corpus linguistics as a research methodology and the sphere of linguoculturology. The language corpora are regarded as the source of examples representing cultural notions in the process of creating conceptual frames. In particular, the results of corpus analysis have been based on the modern English corpora as “COCA” and “BNC”. The examples related to the application of the notion of “family” have been analyzed by means of several searches through the concordance on the corpus platform. In order to make the final conclusions, the gathered results have been analyzed empirically. Moreover, three hundred adjectives mostly preceding the word “family” have been underlined, and their collocational meanings have been clarified in a wider context.

Key words: corpus linguistics, corpus, concept, linguoculturology, national corpus, BNC, COCA.

КИРИШ

Бугунги кунда замонавий илм-фан тараққиёти жадал ривожланмоқда. Иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир соҳа вакилларининг компьютерлардан унумли фойдаланишларида буни яққол кўриш мумкин. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, корпус лингвистикаси пайдо бўлгандан сўнг, унинг асосий объекти бўлган лисоний корпусларни яратиш ҳамда улардан тилшуносликка оид изланишларни олиб боришда фойдаланиш айна пайтда компьютерлар воситасида амалга оширилмоқда. Бу эса, албатта, юқори натижаларга эришишда тезкорлик ва аниқликни таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Корпус лингвистикаси ва корпус тушунчаларига чуқурроқ тўхталадиган бўлсак, ҳар иккала термин тилшуносликка XX асрнинг иккинчи ярмида кириб келган. Н.Дашнинг фикрича, корпус лингвистикаси татбиқий тилшуносликнинг муҳим соҳаси бўлиб, лисоний тадқиқотларда катта аҳамият касб этади. У тил ўрганувчиси ва тадқиқотчиларга тилни қўллашга оид квантитатив (сонли) эмпирик маълумотлар базасини тақдим этади. Бу база аниқ белгилаб олинган манба йиғишнинг статистик метод ва технологияларидан фойдаланиб тўпланган умумий тил корпусидан олинади [N.Dash, 2010: P. 3-4]. Лисоний корпус – систематик принципларга асосланган ҳолда тил соҳибидан нутқий бирликларни йиғиш. Унда эмпирик таҳлилларни ўтказишга қўмаклашувчи конкорданс кидирув тизимидан частотали натижаларни келтириб ўтиш муҳим вазифа сифатида қаралади. Ф.Мейер ўз ишларида тил корпусини қуйидагича изоҳлайди: “... корпус таҳлилларидан олинган натижалар ҳар қандай назарий муаммога ечим топишда асос бўла олади” [Meуer C.F., 2002]. Зеро, ҳар қандай назария амалиётга асосланмас экан, ўзининг қийматини кўрсатиб бера олмайди. Шундай экан, корпус таҳлилларини лингвокультурология масалаларига ёндашув сифатида қўллаш ўз-ўзидан ҳар томонлама ҳозирги замон талабларига мос келади.

Ушбу ёндашувни илк бор С.Грайс ва А.Степановичларнинг “Когнитив лингвистикада корпора” номли монографиясида учратишимиз мумкин. Бунда олимлар икки соҳа муштаракликда бир-бирини тўлдиради, дея таъкидлашади (С.Грайс ва А.Степанович, 2006). Шу ўринда лингвокультурологияни ҳам корпус лингвистикаси билан узвийлаштириш ўринли бўлар эди. Зеро, В.А.Маслова таъкидлаганидек, тил маданият билан ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг таркибида тарқалади ва ривож топади, шунингдек, маданиятни ўзида акслантиради (Маслова В.А., 2004). Лисоний корпус айнан бир тилни ўзида акс эттира олганлиги сабабли, лингвомаданий бирликларни эмпирик таҳлил қилиш имкониятини беради. Агар тил корпуслари бир нечта бўлиб, улар турли ҳудуд ва маданиятга оид нутқ бирликларини ўзида мужассамлаштирган бўлса, бу изланувчиларга лингвомаданий концептларни қиёсий ўрганишга йўл очиб беради. Мисол тариқасида, инглиз тилининг америка ва британия вариантдан йиғилган корпусларни олиш мумкин.

МАҚСАД ВА ВАЗИФА

Замонавий лисоний корпусларнинг ҳажми ва қамровининг кенглиги-

дан келиб чиққан ҳолда, уларга тил ифодачилари сифатида қараш ҳамда тил соҳибларининг лингвомаданий тушунчаларни англашини айнан шу корпус таҳлиллари воситасида очиб бериш мақоланинг мақсади этиб белгиланган. Ушбу мақсад тадқиқот олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- Тил корпусларининг имкониятларини очиб бериш;
- Корпус таҳлиллари натижаларини аналитик таҳлил қилиш;
- Миллий корпуслардан олинган мисолларни қиёсий планда солиштириш ва маданий бирликларнинг тил вариантларида берилиши хусусида хулосалар чиқариш.

УСУЛЛАР

Мақолада корпусга асосланган ёндашувдан келиб чиқиб, квантитатив натижалар эмпирик таҳлиллар асосида шакллантирилиб, аналитик таҳлил методи ёрдамида илмий хулосалар ҳосил қилинади.

Бунда Америкаликлар ва Британия оролларида истиқомат қилувчилар, яъни бир тилда сўзловчи икки миллат вакилларининг ҳаёт тарзи, яшаш муҳити ва маданий қарашлари ҳамда урф-одатлари бир-биридан фарқлидир. Мазкур ҳолат ўз-ўзидан улар сўзлашадиган тил вариантларида акс этади. Америка ва Британия инглиз тилларида лингвомаданий тушунча ва бирликларни чоғиштирма планда қиёслаш имкониятини фақатгина ишончли тил базалари амалга оширади. Хусусан, инглиз тилининг ҳар икки вариантини ўзида акс эттирувчи миллий корпусларнинг мавжудлиги базани излашга оид мураккабликларни бартараф этади. Улар изланувчига лисоний таҳлилий натижалар олиш имконини беради. Демак, миллий корпуслар, яъни “BNC” (Британия Миллий Корпуси – бундан кейинги ўринларда БМК – таъкид бизники) ва “СОСА” (Замонавий Америка Инглиз Корпуси – бундан кейинги ўринларда ЗАИК – таъкид бизники)нинг қиёсланиши икки миллат миллий-маданий қарашларининг тилдаги ифодасини ўзида акслантиради. БМК ҳар хил жанрлардан ташкил топган 100 миллиондан ортиқ сўзли 90% ёзма ҳамда 10% оғзаки матнларни ўзида умумлаштиради. Матнларни тўплаш жараёни йигирманчи асрнинг сўнги йилларида бошланди, яъни 1991–1994-йиллар оралиғида шакллантирилган бўлиб, унинг охирги варианты 2007 йилда тайёрланди. ЗАИК эса инглиз тилининг америка версиясидан йиғилган жами 500 миллиондан ортиқ сўзли матнлардан ташкил топган. Уни яратиш 1990 йилда бошланган, унга ҳар йили 20 миллион ҳажмли манба қўшиб борилади ва охирги марта 2017 йилда янги материал таркибга киритилди. Ҳар иккала корпусда оғзаки, адабий, журнал, газета ва академик услубга хос лисоний манбалар яхлитлаштирилган. Муайян концептга оид мисоллар база таркибидаги барча жанрлар миқёсида кўриб чиқиладигани тадқиқотимизнинг назарий ва амалий моҳиятини белгилайди. Барча омиллар корпус лингвистикаси ва лингвокультурология ўртасидаги алоқани таъминлашга хизмат қилади.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗА

Хусусан, миллий-маданий бирликлар сифатида баъзи концептларни аниқ белгилаб олиш корпус таҳлилларини қўллаш методининг биринчи шартини

амалга оширади. Ҳар қандай миллатнинг маданий қарашлари оила концепти ифодасида кўринади. Шундай экан, корпус таҳлилларимизда айнан оила тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Британия Миллий корпусида family сўзи кидирувга берилганда, қўлланилиш частотаси 33369ни кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич ЗАИКда 272121ни ташкил этди (1- ва 2-расмга қаранг).

The screenshot shows the British National Corpus (BNC) interface. At the top, there are navigation icons for information, document, share, and help. Below that, there are tabs for SEARCH, FREQUENCY, and CONTEXT. The main content area shows a search for 'FAMILY' with a frequency of 33369. The interface also includes a search bar and a 'CONTEXT' button.

1-расм. БМКда оила сўзининг частотаси.

The screenshot shows the Corpus of Contemporary American English interface. At the top, there are navigation icons for information, document, download, share, and help. Below that, there are tabs for SEARCH, FREQUENCY, CONTEXT, and OVERVIEW. The main content area shows a search for 'FAMILY' with a frequency of 272121. The interface also includes a search bar and a 'CONTEXT' button.

2-расм. ЗАИКда оила сўзининг частотаси.

Сўз бирикмалари таркибида “СИФАТ + оила” тартибида берилган кидирув натижаларининг энг кўп бирикиб келадиган 300таси ажратиб олдинди ва қуйидаги жадвалда маълум категорияларга бўлиб берилди. Биринчи жадвалда БМКдан олинган натижалар жойлаштирилди ва сифатлар бешта категорияга бўлинди, шунингдек, ҳар бир сифатнинг оила сўзи билан бирга келиш частотаси қавсларда келтирилди.

1-жадвал

БМКда “Оила” сўзи билан бирикиб келадиган сифатлар рўйхати

Ҳажми билдирувчи	Аъзоларнинг келиб чиқишини билдирувчи	Оила аъзолари мавжудлигини билдирувчи	Оила аъзоларининг ўзаро муносабатини билдирувчи	Оила аъзоларининг ёшини билдирувчи
Large (144)	Royal (714)	Extended (161)	Happy (69)	Old (70)
Small (72)	Local (59)	Nuclear (136)	Close (68)	Young (60)
Average (60)	Traditional (40)	Immediate (89)	Joint (25)	Growing (25)
Big (55)	Jewish (35)	Private (23)	Loving (15)	Modern (15)
Normal (37)	Holy (35)	Individual (15)	Ordinary (15)	Contemporary (6)
Little (26)	Noble (31)	Natural (18)	Respectable (10)	
	Black (26)	Birth (14)	Lovely (10)	

	British (26)	One-parent (11)	Friendly (9)	
	Christian (26)	Single-parent (10)	Close-knit (9)	
	Human (25)	Two-child (9)	Ideal (6)	
	Poor (25)			
	Wealthy (21)			
	Working-class (19)			
	Farming (15)			
	Middle-class (13)			
	English (18)			
	French (11)			
	Indian (11)			
	Asian (10)			

Энди, ЗАИКда худди шундай қидирувни амалга ошириш орқали қиёсий планда ўхшаш ва фарқли томонларни кўришимиз мумкин.

2-жадвал

ЗАИКда “Оила” сўзи билан бирикиб келадиган сифатлар рўйхати

Ҳажми билдирувчи	Аъзоларнинг келиб чиқишини билдирувчи	Оила аъзолари мавжудлигини билдирувчи	Оила аъзоларининг ўзаро муносабатини билдирувчи	Оила аъзоларининг ёшини билдирувчи
Large (490)	Royal (1869)	Extended (1920)	Happy (350)	New (680)
Big (487)	American (1145)	Immediate (615)	Close (68)	Old (432)
Average (322)	Black (551)	Nuclear (519)	Great (237)	Modern (334)
Small (295)	Traditional (378)	Host (121)	Loving (231)	Young (281)
Little (231)	Holy (313)	Adoptive (105)	Perfect (138)	Growing (141)
Median (203)	Dysfunctional (263)	Private (96)	Wonderful (129)	Younger (38)
Normal (137)	Human (261)	Biological (71)	Close-knit (129)	
Stable (55)	Kennedy (356)	Two-parent (69)	Joint (115)	
	Bush (259)	Personal (54)	Typical (104)	
	Jewish (253)	Single-parent (53)	Supportive (88)	
	Poor (192)	Broken (48)	Individual (86)	
	White (176)	Surrogate (41)	Devoted (55)	
	Middle-class (171)		Ideal (54)	
	Wealthy (170)		Tight-knit (43)	
	Military (164)		Lovely (37)	
	Christian (125)		Beloved (36)	
	Immigrant (111)			
	African-American (78)			
	Working-class (75)			
	Suburban (57)			

	Religious (55)			
	Muslim (53)			
	Farming (47)			
	Free (46)			

Юқорида келтирилган жадваллар таҳлили иккала корпусдан олинган натижалар асосида шакллантирилган бўлиб, уларда келтирилган сифатлар “оила” тушунчасини изоҳлаб келади. Қиёсий планда олиб қаралса, маълумотларда ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонлари кўзга ташланади. Бир-биридан фарқланишни келтириб чиқарган сифатларни кўриб чиқамиз: Биринчи тур омиллари сирасига кирувчи “median – ўртача” сифати ЗАИКда 203 ўринда *оила* сўзи билан бирикиб келган. Лекин бу сифат БМКдаги қидирувларда кўзга ташланмади.

Оила аъзолари мавжудлиги ва улар ўртасидаги муносабатларга ишора қилувчи сифатлардан қуйидагилар БМКда кўзга ташланмади: “host – мезбон” (121 марта қўлланган ва, асосан, Америка қўшма штатларида таҳсил олишга борган талабаларга уй берган оила тушунилади), “adoptive – асраб олган” (105 марта қўлланган ва уч хил ҳолатда бу ибора ишлатилади: етимхона тарбияланувчисини, қаровсиз фарзандни ёки ўз ота-онаси розилиги билан берилган болани боқиб олган оилалар), “biological – биологик” (71 марта қўлланган ва болани дунёга келтирган оила тушунилади), “two-parent – қўш ота-онали” (69 марта қўлланган ва инглиз тилида отасиз ёки онасиз оила – “single-parent family” дейилади, агар ҳар иккаласи ҳам бўлса, унда шу сўз бирикмасини қўллашади), “broken – парчаланган” (48 марта қўлланган ва ота-она ажрашганда ёки бирови вафот этганда қўлланилади) ва “surrogate – ўриндош” (41 марта қўлланган ва агар ўз ота-онаси болани тарбиялашга ёки унинг эҳтиёжларини кондиритишга қурби етмаса, фарзандлар икки ёшга тўлгандан сўнг ўриндош оилага берилади).

Оила аъзоларининг ўзаро муносабатини билдирувчи сифатлар сирасига фақатгина ЗАИКда учраганлари қуйидагилардир: “supportive – қўлловчи”, “devoted – бағшида этадиган”, “tight-knit – ўзаро яқин” ва “beloved – ўзаро меҳрибон”. Ушбу мисолларни БМКда учратмадик, бу эса америкаликлар менталитетига хос бўлган оилаларнинг турини кўришга имкон беради.

Оила аъзоларининг ёшини билдирувчи сифатлар таркибига “new – янги” сўзини иккинчи жадвалда устунлиги кўришимиз мумкин (680 та ўринда оила сўзи билан бирикиб келган), лекин инглизлар буни “young – ёш” сўзи билан ифодалашларини кўрдик.

Энг катта фарқни аъзоларнинг келиб чиқишини билдирувчи сифатлар рўйхатида кўрдик. Улар сирасига кирувчи “free – озод” (46 та ўринда кузатилди ва бу миллатнинг тарихида қулдорлик тизими бўлганлигидан далолат беради), “religious – диний” (55 та ўринда кузатилди ва диний қарашлар устун бўлган оилалар назарда тутилган), “muslim – мусулмон” (53 та ўринда кузатилди ва бу Ислон дини вакилларида ташкил топган оилага ишора қилади), “african-american – афро-американ” (78 та ўринда кузатилди ва бу қора танли аҳолига нисбатан ишлатилиб, оз бўлса-да ирқчиликнинг мавжудлигини кўрсатади), “immigrant – кўчиб келган” (111 та ўринда кузатилди ва мамлакатга кўчиб келган бошқа миллат вакилларида ташкил топган оилалар тушунилади), “military – ҳарбий”

(164 та ўринда кузатилди ва оила аъзоларидан бири ёки бир нечтаси ҳарбий соҳа вакили бўлганда қўлланилади), “white – оқ танли” (176 та ўринда кузатилди ва аҳолининг оқ танли қисми вакилларида шаклланган оилага ишора қилади, бу ҳам ирқчиликнинг намуналаридандир), “american – америкалик” (1145 та ўринда кузатилди ва кўп сонли мисоллар бир вақтнинг ўзида шаклланиб улгурган миллатни ифода этиб, юқоридаги ирқчиликка оид фикрларимизни бирмунча юмшатади), Kennedy (356 та ўринда кузатилди) ва Bush (259 та ўринда кузатилди ва сўнги икки мисоллар мамлакат президентлари оилаларига ишора қилиб, уларга ғамхўрлик қилиш кичик ижтимоий кўмак гуруҳлари тузилиши одат тусига кириб қолгани корпусда кенгрок контекстда кўрганимизда маълум бўлди) кабилар фақатгина америкаликлар корпуси таҳлили натижаларида кўзга ташланди.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган мисоллар ва уларнинг таҳлили бир тилда сўзловчи икки миллат вакиллари ўртасидаги оила тушунчасининг қабул қилинишини сўз бирикмалари таркибидаги сифатларга кўра қиёсланди. Бу эса лисоний корпуслар ва улардан олинган таҳлилларнинг лингвомаданий бирликларни тушунишдаги зарур манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатади. Зеро, ҳар қандай тил маданиятсиз мавжуд бўла олмагани каби маданият ҳам тилсиз шакллана олмас экан, тўлақонли бир тилни ўзида акс эттира олган лисоний корпусга бир пайтнинг ўзида маданиятга алоқадор тушунчаларни акс эттирган матнлар манбаси сифатида қараш асослидир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Meyer C.F. English Corpus Linguistics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – URL:// <https://pdfs.semanticscholar.org/c775/4bfab1d0f770e26c0fc7c603e8cf38793be8.pdf>
2. Niladri Sekhar Dash Corpus Linguistics: An Introduction. Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS), India: 2015. – 11 p.
3. Stefan Th. Gries and Anatol Stefanowitsch (eds.). Corpora in Cognitive Linguistics. CorpusBased Approaches to Syntax and Lexis. Trends in Linguistics: Studies and Monographs 172. New York: Mouton de Gruyter, 2006, 352 pp.
4. В.А.Маслова Лингвокультурология: учебное пособие. Академия из. д., – Москва, 2004. – 208 с.
5. <https://www.english-corpora.org/coca/>
6. <https://www.english-corpora.org/bnc/>

REFERENCES

1. Meyer C.F. English Corpus Linguistics. - Cambridge: Cambridge University Press, 2002. - URL: // <https://pdfs.semanticscholar.org/c775/4bfab1d0f770e26c0fc7c603e8cf38793be8.pdf>
2. Niladri Sekhar Dash Corpus Linguistics: An Introduction. Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS), India: 2015. - 11 p.
3. Stefan Th. Gries and Anatol Stefanowitsch (eds.). Corpora in Cognitive Linguistics. CorpusBased Approaches to Syntax and Lexis. Trends in Linguistics: Studies and Monographs 172. New York: Mouton de Gruyter, 2006, 352 pp.
4. VAMlova Lingvokulturologiya: study guide. Academy of. d., - Moscow, 2004. - 208 p.
5. <https://www.english-corpora.org/coca/>
6. <https://www.english-corpora.org/bnc/>